

ТАРБИЯСИ ҚИЙИН ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЖИНОЙ ҲАТТИ-ХАРАКАТЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ПСИХОТЕРАПЕВТИК ХИЗМАТНИ ШАКЛАНТИРИШ

Қодиров Обид Сафарович

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети “Психология” кафедраси
мудири, Психология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Ғойибназаров Жасур Ботирович

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети 70310901 – Психология
(фаолиятнинг турли соҳалари бўйича) йўналиши магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7424161>

Аннотация. Мақолада Тарбияси қийин ўқувчиларнинг жиной ҳатти-ҳаракатларини олдини олишида психопрофилактикани шакллантириши масалалар ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, бугунги кундаги тарбиясида, турмушида муаммолар шакланган тарбияси қийин ўқувчилар учун психолигик хизмат кўрсатишнинг ижтимоий омиллари тўғрисида мулоҳазалар баён этилган.

Калим сўзлар: тарбияси қийин ўқувчилар, психолигик хизмат, психотерапевтик хизмат, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жинояччиликка қарши курашии, тажсовузкорлик, низоли вазиятлар, ижтимоий хулқ-атвор, соглом авлод, миллий қадриятлар.

ФОРМИРОВАНИЕ ПСИХОТЕРАПЕТИЧЕСКОЙ СЛУЖБЫ ПО ПРОФИЛАКТИКЕ ПРЕСТУПНОГО ПОВЕДЕНИЯ СТУДЕНТОВ С ТРУДНЫМ ОБУЧЕНИЕМ

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы формирования психопрофилактики по предупреждению преступного поведения учащихся с трудным обучением. Также описываются комментарии к социальным факторам оказания психологической помощи учащимся с трудным воспитанием, имеющим проблемы в учебе и жизни на сегодняшний день.

Ключевые слова: учащиеся с трудным воспитанием, психологическая служба, психотерапевтическая служба, профилактика правонарушений, борьба с преступностью, агрессия, конфликтные ситуации, социальное поведение, здоровое поколение, национальные ценности.

FORMATION OF PSYCHOTHERAPEUTIC SERVICES FOR THE PREVENTION OF CRIMINAL BEHAVIOR OF STUDENTS WITH DIFFICULT EDUCATION

Abstract. The article discusses the issues of forming psych prophylaxis to prevent criminal behavior of students with difficult education. Also, comments on the social factors of providing psychological services for students with difficult upbringing, who have problems in their education and life today, are described.

Key words: students with difficult upbringing, psychological service, psychotherapeutic service, crime prevention, crime fighting, aggression, conflict situations, social behavior, healthy generation, national values.

Женевада Миллатлар Лигасининг Бешинчи Ассамблеясида қабул қилинган “Болалар ҳуқуки тўғрисидаги Декларация”да болаларга жисмоний ва маънавий ривожланиши учун барча шароитлар яратиб берилиши”, “гуноҳ қилган бола тўғри йўлга солиниши”, “оғир дамларда бола меҳр кўриб вояга етиши ва ҳимоя қилиниши”

таъкидланади. БМТнинг Таълим, Фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ЮНЕСКО маълумотларига қараганда, бугунки кунда жаҳонда ўн миллионлаб болалар таълим олишдан маҳрумлигича қолмоқда, 85 миллионга яқин бола мутлақо ўқиш ва ёзиши билмас экан. Саводсизлик, ўз навбатида, ўсмирларнинг келажагига салбий таъсир кўрсатиб, уларнинг билиб-бilmай жиноят кўчасига кириб қолишига сабаб бўлмоқда.

Инсониятнинг ҳозирги тараққиёт босқичида одамларнинг ҳаёт кечириши, турмуш тарзи, ўқиши ва меҳнат фаолиятида қанчалик афзалликлар юзага келган бўлмасин, шу баробарида турли-туман муаммолар ҳам шакланаётганлигини тан олиш зарур. Мазкур муаммоларнинг аксарияти инсонлар ҳаёти ва фаолиятига дахлдор бўлганлиги учун психологик муаммолар ҳисобланади. Шу боис, ҳар бир муаммони ечишда психологик билимларга таяниш, психолог мутахассислар маслаҳатига амал қилиш яхши самара бераётганлиги инсонлар ҳаёти ва жамият тараққиётида қўп бора кузатилган (ўз тасдиқини топган).

Ҳозирги даврда тарбиясида, турмушида муаммолар шаклланган инсонлар учун психологик хизмат кўрсатишнинг бешта йўналиши амалиётда кенг жорий этилган бўлиб, улар қўйидагилардан иборат:

1. Психологик маориф ва маърифат;
2. Психодиагностика;
3. Психопрофилактика;
4. Психокоррекция ва психик ривожлантириш;
5. Психологик маслаҳат.

Психологик хизмат кўрсатишнинг мазкур йўналишлари психотерапевтик характерга эга бўлиб, инсонлар ҳаёти, турмуш тарзи ва меҳнат фаолиятига дахлдор муаммоларни ечишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Инсонларнинг турмуш тарзида, оиласи муносабатларда, айниқса, ёшлар ҳаёти ва таълим тизимида, умуман, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида психологик хизмат кўрсатиш ҳамда психотерапевтик жараённи амалга ошириш қўп жиҳатдан ҳар бир инсон учун хос бўлган индивидуал психологик хусусиятларни ўрганиш, миллий-маданий, миллий-психологик ҳамда худудий шарт-шароитларни эътиборга олиш билан узвий боғлиқдир. Тадқиқотларимиз мақсадига кўра психологик хизмат кўрсатиш объектларини атрофлича ўрганиш натижаларига кўра, психотерапевтик йўналишлар учун характерли бўлган муаммолар кўпинча қўйидаги омиллар (сабаблар) таъсирида тарбияси қийин ўқувчиларда шаклланиши кузатилди:

- тарбияси қийин ўқувчиларга хос зарур сифат ва фазилатларнинг етарли даражада шаклланмаганлиги;
- ҳаётда тўғри йўналиш ололмаганлиги;
- ўзида шакланаётган камчиликларни пайқамаслик;
- ўз имкониятларини тўғри баҳолай олмаслик;
- ўзига (ўз имкониятларига) ишонмаслик;
- ён атрофидагилар билан бўлган ўзаро муносабатларидан қаноатланмаслик;
- ўзаро тушунмасликнинг келиб чиқиши;
- безовталик даражасининг ошиши;
- бошқалар фаолиятига, нарса ва воқеалар ривожига тўғри баҳо бера олмаслик;
- одамлар билан низолар чиқишига йўл қўйиш;

-одамлар билан ўзаро муомалага киришишда уқувсизлик, ўзгаларнинг фаолияти, муносабати ва ҳатти-ҳаракатлари таъсирида муаммоларнинг шаклланганлиги ва бошқалар.

Психотерапевтик хизмат йўналишлари бир-биридан анча фарқлидай кўринса-да, улар бир-бири билан узвий боғлиқ ва уйғунлашган бўлиб, биринчи навбатда ўсмири шахсига амалий психологик ёрдам кўрсатиш учун қуидаги муаммоли вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилиши зарур:

-ўсмирнинг ўз ҳаёт йўлида юзага келган муаммони ва унинг сабабларини аниқлаши, таҳлил қилиб бир қарорга келиши ва уни ечишига;

-ўсмир ўзлигини англаши учун шахсга хос сифат ва фазилатларни ўрганиши ҳамда уни ўзидагилар билан таққослаб, психокоррекция ва психик ривожлантиришга эҳтиёж сезишига;

-ўсмир ўз атрофидаги одамлар билан муносабатини ўрганиб, ҳатоларини англаган ҳолда тушуниб тузатишига;

-ўсмир ўз ҳаёти давомида юзага келган муаммоларни ечиш йўлларини қидириши ва мутахассис маслаҳатига амал қилишига;

-муаммони ечиш учун белгиланган қарорни амалда қўлланилиши ва самарасини назорат қилишига;

-психотерапевтик таъсир жараёнида ўсмир шахсининг хулқ-авторида юзага келган ижобий ўзгаришларни мунтазам мустаҳкамлаб боришига.

Хуллас, тарбияси қийин ўқувчилар хулқ-автори ва ҳаётида юзага келадиган муаммоларни шаклланиш қонуниятларини психологик таҳлил қилиш, унга нисбатан зарур тарбиявий-психологик чора-тадбирлар белгилаш ва уларни амалга ошириш, натижаларни тўғри баҳолаш ҳамда асосли қарорлар қабул қилиш босқичлари албатта, психотерапевтик хизмат ташкилотчисининг психологик саводхонлигига ва ўқитувчи, ўсмирнинг ота-онаси ҳамда жамоатчиликнинг мунтазам ҳамкорликда ишлашига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Малакатимиз ҳаётида юз бераётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳалардаги туб ўзгаришлар кўп жиҳатдан ёшлиарни ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб шаклланиши учун зарур барча шарт-шароитларни яратишга йўналган давлат сиёсатидаги устувор вазифалар сифатида қаралмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содик, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшлиарни тарбиялаш”, “Ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-куватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлиар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш”дек муҳим вазифаларнинг белгилангани, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг асарларидағи ғоялар, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 марта “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги 472-сонли Қарорларида ёшлиар ўртасида кенг кўламли

маънавий-маърифий ва ҳуқуқий-тарбиявий ишларни олиб бориш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилгани фикримиз далилидир.

Бугун юртимиизда барча жабҳаларда туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Зеро, бундан кўзланган пировард мақсад юртимиизнинг тинчлигини ва халқимиз фаравонлигини таъминлаш, давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, халқимизни рози қилишдан иборат. Мамлакатимизда ёшларнинг билими ва маънавий дунёсини бойитиш, интеллектуал салоҳиятини ошириш борасида диққатга сазовор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўтган қиска давр ичида мамлакатимизда таълим тизимидағи Қонун ва фармонларни амалга ошириш борасида олиб борилаётган бир қатор илмий-тадқиқотлар асосан вояга етмаганларнинг шахсиятидаги мавжуд камчиликларни аниқлаш ва бартараф этишга йўналтирилган бўлса-да, бироқ, уларда жиноят мотивлари шаклланишининг психодиагностикаси ва психокоррекциясига комплекс психологик таъсир кўрсатадиган муҳим омиллар сифатида кўриб чиқилмаган.

Аксарият ёшлар яратилган барча зарур имкониятлардан унумли фойдаланаётганлиги кузатилди. Шу боис ҳам улар орасидан юртимииз довругини оламга ёяётган иқтидорли ва истеъододли ёшлар чиқаётганлиги бизни фаҳрлантиради. Бироқ, ҳаётда ўз йўлини топа олмаган, ҳуқуқий билимлари етарли бўлмаган ва бунинг натижасида билиб-бilmай жиноят кўчасига кириб қолаётган ёшларни ҳам учратамиз.

Ушбу тадқиқот натижасида шу нарса маълум бўлди, ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг асосий сабаби оиласда носоғлом тарбиявий-психологик муҳит нинг шаклланишидир. Шунинг учун ҳар бир ота-она фарзанд тарбиясига алоҳида масъулият билан ёндашиши лозим. Ўсмирилик даврида суяги меҳнатда қотмаган, енгил-елпи, эмин-эркин ҳаётга ўрганган, эрка-тантиқ бўлиб ўсган бола безорилик ва фирибгарлик, ҳатто қотиллик жинояти содир этиши ҳолатлари ҳам учраб турибди. Фарзанднинг бу даражада тубанлашишига ким сабабчи? Биринчи навбатда, ота-онанинг ўзи, албатта. Президент Ш.Мирзиёев алоҳида таъкидлаганларидек, «ўз болангни ўзинг асра» деган тарбиявий даъват ҳозирги куннинг устувор вазифасига айланди. Қолаверса, бола ўсиб-улғаяётган маҳалла фаолларининг, профилактика инспекторининг ҳам айби бор. Чунки оиласдаги муҳит бирданига бу даражага етиб келмайди.

Ёшлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини оила, таълим муассасалари педагоглари ва психологлари, маҳалла фаоллари ҳамда профилактика инспекторларининг ўрни жуда муҳим. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «маҳалла билан профилактика инспектори ҳамкорлигини кучайтирмасдан жиноятчиликка қарши самарали курашиб бўлмайди». Агар ўз вақтида ёшлар тарбияси билан шуғулланилса, ҳуқуқий билимлар уларнинг онгига сингдирилса, бўш вақтлари мазмунли ўтиши учун бандлиги таъминланса ва зарур шароит яратилса, уйлаймизки, ёшлар ўртасидаги жинятчиликнинг кескин даражада камайишишига эришилади.

Машхур Рим файласуфи Сенека «Бир жиноят иккинчисига йўл очади» дейди. Ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг сабабларини ўрганиш ҳамда бартараф этиш чораларини кўриш олдимизда турган кечикириб бўлмайдиган долзарб масалалардан биридир.

Шунинг учун бизнинг мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ҳамда жинояга

мойиллик ҳатти-ҳаракатларининг турли шаклларини эрта аниқлаш ва олдини олиш бугунги куннинг энг долзарб вазифалариданdir.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - 80 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ти Қонуни, 2016 йил 14 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 37-сон, 426-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ти Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. 2017. - 6 (766)-сон.
4. Фозиев Э.Ғ., Жабборов А.М. Фаолият ва хулқ-атвор мотивацияси. Т.: 2003, -124 б.
5. Каримова В.М. Ёшларда ўзбек оиласи тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар. Псих. фан. док. дисс. - Т.: ТошДУ, 1994. - Б.309.
6. Қодиров О.С. “Ўсмиirlарда (11-15 ёш) жиноят мотивлари шаклланишининг психодиагностикаси ва психокоррекцияси” // Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Т.: 2020, - 155 б.
7. Қодиров О.С. “Умумий психология” ўқув қўлланма Самарқанд – 2022. -250 б.
8. Абдурасулова Қ. Вояга етмаганлар жиноятчилиги ва унинг олдини олиш муаммолари. // Қонун ҳимоясида. 2001, 1- сон, 23-26- б.
9. Ismailovich A. S. PROBLEMS OF IMPROVING PSYCHOLOGY OF HEALTHY LIFESTYLE OF UZBEK FAMILY //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – T. 4. – №. 1. – C. 313-318.
10. Sharifjon To'lqin o'g A. et al. TA'LIM-TARBIYA TIZIMI VA O'QITUVCHILAR FAOLIYATIDA PSIXOLOGIK XIZMATNING AHAMIYATI //MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH. – 2022. – T. 1. – №. 11. – C. 57-60.